

# “Ўзавтосаноат” да Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

[BoshYangiliklar](#)“Ўзавтосаноат”да Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди 12.01.2018

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги ҳамда “14 январь – Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан 2018 йил 12 январь куни “Ўзавтосаноат” АЖ биносида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда компания ходимлари, Ёшлар иттифоқининг Етакчилар кенгаши ҳамда Ўзбекистон “VETERAN” жангчи-фахрий ва ногиронлари Бирлашмаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда “Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раиси У.Салимов ҳамда Ўзбекистон “VETERAN” жангчи-фахрий ва ногиронлари Бирлашмаси раиси Т.Муродовлар сўзга чиқиб, Ўзбекистон бугунги кунда мудофаа қудрати юксак, профессионал тайёргарликка эга ва яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон “VETERAN” жангчи-фахрий ва ногиронлари Бирлашмаси буйруғи билан “Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раиси Умиджон Салимовга “VETERAN” бирлашмаси олдидаги хизматлари учун” кўкрак нишони, компания ходими Александр Қамбаровга МДХнинг Ҳарбий интернационалчилар ишлари бўйича Қўмитасининг “Қўмита ташкил этилганлигининг 25 йиллиги” кўкрак нишони тақдим этилди.

Ўз ўрнида “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан “VETERAN” жангчи-фахрий ва ногиронлари Бирлашмаси раиси ва фаол аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирнинг бадиий қисмида ҳарбий оркестрларнинг байрамона куй-қўшиқлари, урушда заҳмат чеккан инсонлар тақдири акс этган ҳужжатли фильм намоиши барчага манзур бўлди. Тадбир сўнггида фахрийлар билан савол-жавоблар бўлди.

Boshqa yangiliklar [Фуқаролар мурожаатлари ўз вақтида ўрганилмоқда](#)

[2018 йилнинг биринчи ярмида «Ўзавтосаноат» АЖга жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари билан қилинган жами мурожаатлар сони 998 тани ташкил этди. Шундан 48 таси компания раҳбарларининг шахсий ва сайёр қабулларида қилинган мурожаатлар ҳисобланса, 762тасини айнан ёзма мурожаатлар ташкил этади. Бундан ташқари 188 та мурожаат компания раҳбариятига электрон почта орқали келиб тушган.](#)

[16.07.2018](#)

[2018 йилнинг биринчи ярмида «Ўзавтосаноат» АЖга жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари билан қилинган жами мурожаатлар сони 998 тани ташкил этди. Шундан 48 таси компания раҳбарларининг шахсий ва сайёр қабулларида қилинган мурожаатлар ҳисобланса, 762тасини айнан ёзма мурожаатлар ташкил этади. Бундан ташқари 188 та мурожаат компания раҳбариятига электрон почта орқали келиб тушган.](#)

[Китоб менинг дўстимсан](#)

[Аҳоли орасида китобхонлик маданиятини шакллантириш ва китоб ўқишга бўлган қизиқишни ошириш мақсадида “Ўз-Донг Жу Пэинт Ко” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси жамоаси корхона бош биноси жойлашган Андижон шаҳри, Харкоп кўрғони, Айрилиш 1-тор кўчасида мазкур ҳудуддаги аҳоли учун махсус “Китоблар жавони”ни ўрнатди.](#)

[09.07.2018](#)

[Аҳоли орасида китобхонлик маданиятини шакллантириш ва китоб ўқишга бўлган қизиқишни ошириш мақсадида “Ўз-Донг Жу Пэинт Ко” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси жамоаси корхона бош биноси жойлашган Андижон шаҳри, Харкоп кўрғони, Айрилиш 1-тор кўчасида мазкур ҳудуддаги аҳоли учун махсус “Китоблар жавони”ни ўрнатди.](#)